

**Саноат, транспорт, алока, мудофаа
ва бошқа мақсадларга
мұлжалланған ерларининг
хукуқиЙ ҳолати**

РЕЖА

- 1. Саноат ерларининг ҳуқуқий ҳолати.**
- 2. Транспорт ерларининг ҳуқуқий ҳолати.**
- 3. Алоқа ерларининг ҳуқуқий ҳолати.**
- 4. Мудофаа эҳтиёжлари учун мўлжалланган ерларнинг ҳуқуқий ҳолати.**
- 5. Бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар**

1. Саноат ерларининг ҳуқуқий ҳолати.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 70-моддасида кўрсатилишича, саноат корхоналари ўзлари фойдаланмаётган ерларни туман ва шаҳар ҳокимларининг қарорига биноан юридик ва жисмоний шахсларга вақтинча фойдаланишга беришлари мумкин.



Саноат ерлари асосан шаҳар ва шаҳар типидаги посёлкалардан ташқарида саноат корхоналарини жойлаштириш ва ишлатиш учун ажратиб берилади. Бундан ташқари, саноат ерлари шаҳар, посёлка, қишлоқ аҳоли пунктлари ерлари таркибида ҳам жойлашган бўлиши мумкин. Бундай ерлар аҳоли пункти ерлари тоифасига кириб, уларнинг ҳуқукий ҳолати шу тоифа ерлар ҳуқуқий ҳолатига мувофиқ равишда белгиланади.



2. Транспорт ерларининг ҳукуқий ҳолати.

Автомобиль йўлларининг кенглиги йўл категориясига қараб белгиланади. Ўзбекистонда ўрнатилган қоидага биноан автомобиль йўлларининг категориясига қараб қуидагича максимал йўл кенглиги белгиланган: I - категория - 39 метр; II - категория - 28 метр; III - категория - 22 метр; IV - категория - 19 метр; V - категория - 18 метр.



3. Алоқа ерларининг ҳуқуқий ҳолати.

Алоқа ерларидан фойдаланиш ҳуқуқининг субъектлари бўлиб, алоқа ва электр линияларини ишлатувчи корхоналар ҳисобланади. Буларга Алоқа вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва уларнинг жойлардаги корхоналари киради. Бундан ташқари, шу хилдаги ердан фойдаланиш ҳуқуқининг субъектлари бўлиб темир йўл, автомобиль йўллари, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ҳам бўла оладилар. Чунки шу вазирликларнинг ҳам қарамоғида алоқа, электр узатиш линиялари мавжуд бўлади.



Алоқа ва электр узатиши линияларини жойлаштириш учун суғориладиган ерлар, шудгорлар, күп йиллик мевали дарахтлар эгаллаган ерлар ҳамда узумзорлар, шунингдек сувни муҳофаза қилишга банд бўлган ерларни олиб қўйишга қонунда белгиланган тартибда алоҳида ҳоллардагина йўл қўйилади. Ҳаво линияларини жойлаштиришда аэродромлар, зич курилган ахоли пунктлари, саноат корхоналари, курортларни муҳофаза қилиш санитария зоналари, заповедниклар албатта айланиб ўтилиши шарт.



4. Мудофаа эҳтиёжлари учун мўлжалланган ерларнинг хуқуқий ҳолати.

Мудофаа эҳтиёжлари учун берилган ерлар ҳарбий қисмлар томонидан факат белгиланган мақсадда, ажратиб бериш хужжатида ўрнатилган тартибда фойдаланишилиги лозим, ердан фойдаланишнинг аниқ белгиланган мақсадини ўзгартириш мумкин эмас.

Мудофаа мақсадлари учун ажратиб берилган ер участкалари фуқароларга (шунингдек ҳарбий хизматчиларга) хизмат учун чек ерлар, томорқа кўринишида иккиласми фойдаланиш учун берилиши мумкин эмас.



Саноат, коммунал, омборхона объектлари, муҳандислик ва транспортга оид инфратузилмалар объектларини жойлаштириш мақсадида ер участкалари ажратилганда бундай ерларда санитария-мухофаза зоналари барпо этиш кўзда тутилади.

Саноат, коммунал ва омборхона объектларининг санитария-мухофаза зonasида уйлар, таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш, дам олиш объектлари, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотлари, боғдорчилик-узумчилик ва полизчилик ширкатлари жойлаштирилишига, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулоти этиштирилишига йўл қўйилмайди.

Бошқа мақсадларга мүлжалланган ерлар



ЭЛТИБОРИНГИЗ
УЧУН
РАХМАТ!

